

**ЛОЙИХА –СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ
ШАРТНОМАСИ № 17752**

Фарғона шаҳри

2022 йил 06 июл

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «SMART PROJECT INNOVATION» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари В.Умаралиев иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Фарғона вилояти Бувайда тумани Октепа МФЙда жойлашган 41-сонли мактабни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш (АРТ, АТТА лойиҳаси, топография ва геология, техник қўрик ишлари ҳаражатлари билан бирга)** мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

- 2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. « 26 » апрель кунги харид комиссиясининг 17752-сонли баёнига асосан жорий нархларда **70 200 000 (етмиш миллион икки юз минг) сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиғи 15% - 9 156 522 сўмни** ташкил этади.
- 2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 10 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 8 ” майда буюртмачига тўлиқ топширилади.
- 2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини қўпайтириш;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- 2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

- 3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;
- 3.2. Буюртмачининг руҳсатсиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

- 4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

- 5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказди.
- 5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб

рақамига маблағ ажратилгандан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6. Ишларни бажариш

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди. Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНҚ ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқишини назорат қилади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

7. Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хулосасига кўра, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги "Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хулосаси олингандан сўнг, Пудратчи 3 кун мобайнида лойиҳанинг ишчи ҳужжатларини 3 нусхада, смета ҳужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қилади. Лойиҳанинг ишчи ҳужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқшлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилади. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9. Қафолатлар

9.1. Пудратчи: барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини қафолатлайди;

10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисmini тўлайди. Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачининг шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкӣ жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг ҳулосаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкӣ жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкӣ имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;
-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи
ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунарига зид бўлган ҳатти-
ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳукукбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа
каналларига мурожаат қилиши мумкин.

12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда
пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида
белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли
қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарҳсозлик ҳужжатларини
ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига
берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги
аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат
унитар корхонасининг Техник топшириқнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари
қисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан
ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суғ бажариши
натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи
иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар
истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда
билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қучга
қиради ҳамда 2022 йил 31 декабр гача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Уч нусха
ҳам айнан бир хил ва тенг юридик қучга эга.

15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи
Фарғона вилоят ҳокимлиги "Капитал қурилиш
соҳасида буюртмачи хизмати"

Манзили: Фарғона ш. Темирйўл кўчаси 37-уй
Тел./факс 244-52-24
ШХР 301821860304017098801075015
Ташкилотнинг: СТИР 204816336 ОКЭД-
Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси
ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО: 00014 Ғазначилик бўлини масининг
СТИР: 201 122 919

Раҳбар

Х. Долимов

«Пудратчи»
"SMART PROJECT INNOVATION" МЧЖ

Манзил: Фарғона ш. Халқлар Дўстлиги кўчаси 76-уй
Тел: 998-97-595-44-49
Х/Р: 20208000105166538001

Банк: Малад Инвест банк Фарғона филиали

МФО: 01142

ИНН: 307 049 185



В. Умаралиев